

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИПАКЧИЛИК ТАРМОГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Доцент **Худойқулов Мамарасул Раджабович**  
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

**Аннотация.** Ушбу мақолада ипакчилик тармоғи корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда молиявий натижаларни тавсифловчи қўрсаткичлар ҳолатини таҳлил қилишга эътибор қаратилган.

**Калим сўзлар:** кластер, касаначи, ипакчилик, молиявий натижажа, зарар

### АНАЛИЗ ПЕРСПЕКТИВ ОТРАСЛИ ШЕЛКОВОДСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Доцент **Худойқулов Мамарасул Раджабович**  
Ташкентский институт текстильной  
и легкой промышленности

**Аннотация.** Данная статья посвящена анализу масштабных реформ в организации производственной деятельности на предприятиях шелковой промышленности, а также анализу финансовых показателей деятельности.

**Ключевые слова:** кластер, хозяйство, шелководство, финансовый результат, прибыль, убыток.

### ANALYSIS OF PROSPECTS FOR THE SERICULTURE INDUSTRY IN UZBEKISTAN

Associate professor **Xudoykulov Mamarasul Radjabovich**  
Tashkent Textile and Light Industry Institute

**Annotation.** This article is devoted to the analysis of large-scale reforms in organization of production activities at the enterprises of the silk industry, as well as the analysis of financial performance indicators.

**Key words:** cluster, economy, sericulture, financial result, profit, loss.

#### Кириш.

Республикамиизда 2017 йилдан бошлаб пиллачилик соҳасини ривожлантиришга бўлган эътибор тубдан ўзгарган ва шу бугунга қадар бу борада 10 дан ортиқ Президент ва Хукумат қарорлари қабул қилинган ва ушбу меъёрий хужжатлар қабул қилиниши натижасида пиллачилик соҳаси қишлоқ аҳолиси учун сердаромад соҳалардан бирига айланиб улгурди. 2016-йилда Республика бўйича 19 та пиллани қайта ишлаш корхоналари фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб корхоналар сони 75 тани ташкил қилмоқда. Ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 150 млн сўмдан 2 трлн. сўмга етказилди.

Мамлакатимизда асосий эътибор сифатли пилла етиштириш ва тайёрлаш, уни дастлабки қайта ишлаш, хом ипак ва ипак калава ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилишни ташкил этиш, пиллачилик тармоғини ривожлантириш борасида қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, ягона илмий-техник, технологик, инвестициявий ва экспорт сиёсатини изчил юритиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оиласаларни пиллачилик билан шуғулланишга қизиқтириш, уларни ўқитиш ва малакасини оширишга қаратилди.

Жумладан, ижтимоий дафтарларга киритилган, яъни “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни шартнома асосида пилла етиширишга жалб қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ушбу фуқароларга пилла етиширганлик учун бир қатор имтиёзлар, жумладан, даромад солиғидан озод қилиш ҳамда бир йиллик меҳнат стажлари бериш каби имтиёзлар қўлланилмоқда.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартағи ПҚ-3616-сонли “Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларда ипакчилик соҳаси олдиғаги асосий истиқболли вазифаларидан бири тут ипак қурти тухумларининг юқори маҳсулдор зотларини яратиш ва жорий этиш, импортни қисқартириш учун уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва келгусида Республикани тўлиқ таминлашдаги қарорларида ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий хуқуқий хужатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган (Қарор, 2017).

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш ҳақидаги 2017 йил 29 мартағи ПҚ-2856-сонли ҳамда “Республика ипакчилик саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга кўра пиллачилик тармоғи ташкилотларининг Уюшмани ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилган ва муассисларнинг 2017 йил 31 мартағи 1-сон умумий йиғилиши баёни қарорига мувофиқ Уюшма таъсис этилган (Қарор, 2017).

Юқорида қайд этилган қарорлар талабларидан келиб чиқиб пилла етишириш ва қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш, ипакчилик тармоқларида туб ўзгаришларни амалга ошириш орқали юқори сифатли пилла ҳосили етишириш, хом ипак ва ипак маҳсулотларини ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш ҳамда бу маҳсулотларни рақобатбардошлигини ошириш мақсадида “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси томонидан 2018-2025 йилларда пиллачилик тармоғини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари белгиланди.

Бу устивор йўналишларга кўра республикамизда ипак қуртини бир неча мавсумларда боқиши технологиясини яратиш, пилла етишириш ҳажмини орттириш, корхоналардаги мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш даражасини орттириш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кўпайтириш ва аҳолини иш билан таъминлаш учун қўшимча иш ўринларини яратишдан иборатдир.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий ва эркин фикрлаш, илмий мушоҳада қилиш, тизимли ёндашув. Усулларидан кенг фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси ҳамда “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидағи корхоналар маълумотларидан фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Жаҳонда бугунги қунда 30 дан ортиқ мамлакатларида тут ипак қурти етиширилиб, 850-860 минг тонна пилла хом-ашёси тайёрланиб, 60 дан ортиқ давлатларда қайта ишланиб, ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ипак ишлаб чиқариш соҳасида қатор хорижий мамлакатларда, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Япония, Жанубий Кореяда қатор ютуқларга эришилган бўлиб, пилла чувиш корхоналарининг самарадорлигини ошириш, ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи технологияларни яратиш ва уларни такомиллаштириш, янги ассортиментларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Халқаро ипакчилик комиссияси (International Sericultural Commission - INSERCO) маълумотларига кўра, жаҳон тўқимачилик бозорида ипакнинг улуши ҳаттоқи 0,2 фоиздан камроқ бўлишига қарамай, ипак ишлаб чиқариш базаси 60 дан ортиқ мамлакатга тўғри келади. Асосий ишлаб чиқарувчилар:

1. Хитой (2021 йилги жаҳон ишлаб чиқаришида 54,1%).
2. Ҳиндистон (40,4%).
3. Ўзбекистон (2,4%).

Ўзбекистонда 1 қути ипак қурти уруғидан ўртача 55 килограммда пилла ҳосили олинадиган бўлса, Хитой ва Ҳиндистонда бу кўрсаткич 80-85 килограммга етади. Таъкидлаш керакки, хомашё калибрлари ва узунлиги бўйича пилла турлари фарқланади. Ўзбекистонда

пилланинг калибр бўйича биржинслилиги Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам ва Бразилиядаги 90-95 фоизга нисбатан ўртача 60 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳам пилла етишириш соҳасига катта эътибор қаратиш ортидан янги технологиялардан фойдаланиш, илмий тадқиқот ишларини амалиётга қўллаш ва шу орқали пилла етишириш ҳажмининг кескин ортишига мос равища хом ипак ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ҳамда ипакли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кескин ортишига эришиш назарда тутилган ва йиллар давомида билан ўз тасдиғини топмоқда.

2019-2025 йилларга мўлжалланган ипакчилик саноати истиқболли дастурига эътибор қаратидиган бўлсак, 1-жадвалдан кўриниб турибдики 2019 йилга нисбатан хом ипак ишлаб чиқариш ҳажми 2025 йилга келиб 2264 т га, ипак гиламлар ишлаб чиқариш 2420 донага, шойи газламалар ишлаб чиқариш эса 2021 йилга нисбатан 7404 минг погон метрга ошиш истиқболлари келтирилган.

#### 1-жадвал

#### 2019-2025 йилларда ипакчилик саноати истиқболи<sup>169</sup>

№	Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
1	Хом ипак ишлаб чиқариш, тонна	1069	1650	2139	2533	2900	3114	3333
2	Ипак момифи ишлаб чиқариш, тонна	499	549	576	807	888	932	979
3	Ипак чиқиндиларини ишлаб чиқариш, тонна	1146	1478	1650	1955	2346	2696	3507
4	Ипак гилам ишлаб чиқариш, дона	30	129	528	1254	1568	1960	2450
5	Ипак ипи ишлаб чиқариш, тонна	--	292	330	258	693	911	1140
6	Ипак мато ишлаб чиқариш, минг п.м.	--	--	2863	3226	6568	7384	10267

Бизга маълумки, ипак маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмига мос равища ипак чиқиндилари миқдори ҳам ошади. Ипак толали чиқиндиларидан йигирилган ипак ишлаб чиқариш билан бирга бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилади. 1 кг йигирилган ипакнинг нархи жаҳон бозоридаги пиллаларданчувиб олинган 1 кг хом ипак нархи билан бир хил юради. Ипакнинг толасиз чиқиндилар эса тиббиётда кенг қўлланилади. “Ўзбекипаксаноати” уюшмаси ўзининг 2019-2025 йилларга режалаштирган истиқболдаги инвестиция лойиҳа ишларини қўйидаги йўналишлар бўйича олиб боради:

1. Кўшимча қўймати юқори бўлган ипак ва ипакли маҳсулотларни ишлаб чиқариш.
2. Косметология, фармацевтика ҳамда қишлоқ хўжалиги учун ўғит сифатида фойдаланиш мақсадида ипак қурти ғумбагидан ёғ, хитин ва хитозан ишлаб чиқариш.
3. Жанубий Корея ва Таиланд давлатларида истеъмол қилинадиган ипак қурти ғумбагидан консерваланган тансиқ маҳсулот ишлаб чиқариш.
4. Республикаизнинг ҳар бир ҳудудида 5-гектар майдонда синов тариқасида микроиқлим ҳосил қилган ҳолда томчилатиб суғориш технологияси асосида тутзорларни барпо этиш (тажриба натижасида йилига 4 марта ҳосил олиш имконияти яратилади).
5. Хитой халқ Республикаси билан ҳамкорликда 6 та ипак қурти уруғини етиширадиган корхоналарни қуриш.
6. Туркия билан ҳамкорликда 50 та ипак гилам ишлаб чиқариш корхонасини қуриш.
7. Италия, Туркия, Покистон ва Ҳиндистон давлатлари билан ҳамкорликда 50 та тўқув фабрикасини қуриш.
8. Италия, Туркия, Япония давлатлари билан ҳамкорликда 50 та тикув фабрикасини қуриш.
9. Япония, Корея давлатлари билан ҳамкорликда 13 та ғумбак ёғи ишлаб чиқариш корхонасини қуриш.

<sup>169</sup> “Ўзбекипаксаноати” уюшмаси маълумоти.

10. Хитой халқ республикаси билан ҳамкорликда 13 та чой ишлаб чиқариш корхонасини қуриш.

Бу белгиланган устивор йўналишларида истиқболли инвестиция лойиҳа ишлари қўйидагича амалга оширилади.

## 2-жадвал

### Амалга оширилаётган ҳамда истиқболдаги инвестиция лойиҳалари<sup>170</sup>

№	Кўрсаткичлар	сони
1	Мавжуд пиллани қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш орқали 7 босқичдаги (хом ипак, ипак момифи, калава ип, тўқув, бўяш, тайёр маҳсулот, ипак гиламлар) қайта ишланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш	31 та корхонада
2	Пиллани қайта ишлаш ва ипак маҳсулотларини тўлиқ занжир асосида ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар ташкил қилиш	19 та корхонада
3	Мавжуд ипак қурти уруғчилик корхоналарини модернизация қилиш ҳамда янги уруғчилик корхоналарини ташкил қилиш	14 та корхонада
4	Сунъий даста ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	11 та сунъий даста ишлаб чиқариш корхонасини қуриш
5	Тут баргидан чой ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	13 та чой ишлаб чиқариш корхонасини қуриш
6	“Ипакчилик театри” ва “Хунармандчилик қишлоқлари”ни ташкил қилиш	4 та қишлоқ ва 4 та театр ташкил қилиш
7	Франция, Бельгия, АҚШ, Нидерландия, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларида савдо уйларини ташкил этиш	6 та давлатда савдо уйлари ва 2 та турдаги фирмаларни ташкил қилиш


Юқорида келтирилган вазифаларни тўла амалга ошириш учун Президентимиз томонидан 2018 йил 29 ноябрдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5587 сонли фармони ва Президентимизнинг 2018 йил 4 декабрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4047 сонли қарори қабул қилинган<sup>171</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.07.2019 йилдаги ПҚ-4411 сон қарорида «Республикада пиллачилик ва пиллакашлик тармоқ ларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турларини кенгайтириш, шунингдек, пиллачилик ва пиллакашлик тармоқларидағи корхоналарнинг экспорт ва инвестиция фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш» бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширилиши белгилаб берилди. Амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар пилла хомашёсини етишириш ҳажмини ошириш, уни қайта ишлаш ҳисобига экспортбоп ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш шунингдек, республикамизнинг чекка ҳудудларидағи аҳолини айниқса, қизлар ва аёлларни иш билан таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон пилла етиширадиган дунёдаги етакчи мамлакатлар бешлигига кирса ҳам, соҳани инқизозга юз тутилиш (1990-2016) давридан охирги 4-5 йил давомида республика раҳбарияти томонидан кўрилган кескин чора тадбирларгина ипакчилик саноатида туб бурилиш ясалишига олиб келди.


<sup>170</sup> “Ўзбекипаксаноати” уюшмаси маълумоти.

<sup>171</sup> <https://lex.uz>

1-расм. Ўзбекистон Республикасида пилла етишириш, минг тоннада<sup>172</sup>

Хозирда Ўзбекипаксаноат уюшмаси ташаббуси билан Республикада пилла етишириш мавсуми тўрт марта такорий амалга оширилмоқда ва 2018 йилдан бошлаб пилла етишириш ҳажми ошмоқда. “Ўзипаксаноат” уюшмаси маълумотларига кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 74 та ипакчилик кластери фаолият қўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда жаҳонда ипак ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада қисқарди.


2-расм. Дунё бўйича ипак ишлаб чиқариш, метрик тоннада<sup>173</sup>

Юқорида қайд этилган маълумотларни таҳдил қиласиган бўлсак, 2015 йилдан бошлаб жаҳонда ипак ишлаб чиқариш тенденциясида пасайиш кузатилган. Лекин, дунё аҳолисининг табиий маҳсулотга бўлган қизиқиши ортиб бораётганини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ўзбекистонда эса ипак, шу жумладан, ипак тола ва газлама экспорти ҳажми ошиб бормоқда: 2017 йилдан 2022 йилгача 30,9 миллион доллардан 92,5 миллион АҚШ долларига етди.

<sup>172</sup> <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/agriculture>

<sup>173</sup> <http://inserco.org/en/?q=statistics>



3-расм. Ўзбекистон Республикасидан ипак, шу жумладан, ипак тола ва газлама экспорти, миллион АҚШ долларида<sup>174</sup>

#### **Хулоса ва тавсиялар.**

Ҳозирги кунда тўқимачилик маҳсулотларини турларини хилма-хиллиги, уни сифат даражасини юқори бўлишини тақозо этмоқда. Айниқса, хом ипакни улиши тўқимачилик хомашёлари ичida атиги 0,2 % ни ташкил этиши, аммо соф ипак ёки уни аралашмаларидан ишлаб чиқиладиган маҳсулотларни хусусиятлари юқори бўлишини инобатга олинса пилла ва хом ипак сифатини янада оширишга эътибор қаратилиши лозим.

Пиллачилик тармоғида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳани жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришда янги инновацион ғоялар асосида кластер усулларини ипакчилик тармоқларига кенг жорий этиш, пиллани чуқур қайта ишлашда инвестициялар ҳажмини ошириш ҳамда юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш муҳим масалалардан бири эканлиги ўз тасдигини топмоқда.

#### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Қарор (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 20 мартағи ПҚ-3616-сон [қарори](#).

Қарор (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 29 мартағи ПҚ-2856-сон [қарори](#).

<sup>174</sup> <https://www.trademap.org/>, 2022 йил учун маълумотлар – <https://stat.uz/images/uploads/docs/pressreliztashqisavdo202212ru.pdf>